

ОИЛА ФУНКЦИЯЛАРИНИ ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНД МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИНИ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Абдуллаева Арофатхон Рустамовна

ФарДУ Психология кафедраси

катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Оила ва оилавий муносабатлар барча даврларда ҳам муҳим масала сифатида ўрганилган. Оилавий муносабатлар жараёнида фарзанд тарбияси кечикириб бўлмас вазифадир. Эр ва хотин муносабатлари ҳамда уларнинг жамият тараққиётига таъсири экспериментал амалий таҳлил қилиб борилади.

Калит сўзлар: оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси, мулоқот, шахс, жамият тараққиёти, муҳаббат, инсонийлик, хулқ атвorum, қадрият, ижтимоий омил.

Оила ижтимоий ҳаётнинг агадийлигини, авлодларнинг давомийлигини, тарбиянинг узлуксизлигини таъминлайдиган, келажак насл қандай бўлиб етишишига ўз таъсирини кўрсатадиган ижтимоий макон ва педагогик омил вазифасини ўтайди. Инсон оиласида шаклланади. Оила муҳаббат, хурмат, бирдамлик ва меҳрибонлик манбаи. Айнан шу қадриятларга ҳар бир ривожланган жамият суюнади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 - йил 2- сентябрдаги ялпи йиғилишида 1994 - йилдан бошлаб 15-майни “Халқаро оила куни” сифатида нишонлашга келишилганлигини ўзи ҳам бу масалани халқаро миқиёсида қанчалик долзарб эканлигидан далолат бериб турибди. Барча даврларда ҳам давлат ва жамият ғамхўрлиги оилаларнинг мустаҳкамлиги ва тинчлигига асос бўлган. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Биз учун муқаддас бўлган оила асосларини янада мустаҳкамлаш, хонадонларда тинчлик – хотиржамлик, аҳиллик ва ўзаро хурмат муҳитини яратиш, маънавий – маърифий ишларни аниқ мазмун билан тўлдиришдан иборат бўлмоғи зарур”.

Оила- ўзига хос ижтимоий бирлик бўлиб, унинг асосида эр-хотин иттифоқи, қариндошлик муносабатлари, майший ҳаёт бирлиги, ахлоқий ва ҳуқуқий маъсулият ҳамда жамият томонидан ўрнатилган ота-оналарнинг болаларини тарбиялаши бўйича ва фарзандларнинг ўз ота-оналари учун муайян мажбуриятлари туради. Оила ҳаёти шаклининг даврлари-оиланинг шаклланишидан бошлаб парчаланишигача ўзгаришлари динамикасини

тавсифловчи категория. Оила функциялари-оила ва унинг аъзолари яшashi ва фаолиятини намоён қилиш усули, оила функциялари тарихидир ва жамиятнинг ижтимоий-иктисодий шароитлари билан чамбарчас боғлиқ. Оиланинг ҳиссий-эмоционал мулоқот функцияси – бу унинг ўз аъзолари ўртасида муайян илиқ муносабатларни сақлаш, улар ўртасида меҳр оқибат, ўзаро ғамхўрлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, севиш, севилиш каби қобилиятини намоён этишидир. Масалан оиланинг тарбиявий функциясининг вазифаси маданий, маънавий меросни авлоддан-авлодга узатиш, ёш авлодни тарбиялаш, жамиятни маданий меросини таъминлаб туришдан иборат. Жисмоний қувватни таъминлаш функциясининг вазифаси эса оила аъзоларининг жисмонан соғ, тетик ва ўзини яхши ҳис қилишларини таъминлашга боғлиқ бўлган шароитларни назарда тутад. Оилада маънавий мулоқотни таъминлаш функцияси бу одамнинг ўз насл-насаби, маънавий-маданий анъаналари бўлишига интилишидан келиб чиқади. Репродуктив функция моҳияти оиланинг нафақат авлодлар, ворисларни яратишга алоқадор вазифаси, балки, шу орқали ота ва она бўлишдек баҳтга мұяссар бўлиш, давлатнинг эса туб аҳоли сонини муайян миқдорда ушлаб туришига ҳам хизмат қиласи. Бизга маълумки оилада баҳт ва тинчлик-хотиржамликни барқарорлаштириш функцияси ҳам ўта муҳим бўлиб, айнан оила ҳар бир аъзосининг муаммоларини ечиш, уни ташқи турли таъсиротлардан ҳимоялаш, керак бўлса, унда ҳимоя иммунитетини шакллантиришга ёрдам беради. Иктисодий хўжалик функцияси – уй хўжалигини юритиш, оила аъзоларининг моддий, маънавий эҳтиёжларини қондириш. Эр-хотин орасидаги эмоционал муносабатлардан бири бўлган эр-хотиннинг бир-бирига бўлган мухаббат тенг кўринишида бўлади. Лекин ота-она ва бола орасидаги муносабатларда ота-она ва бола мухаббати ҳар хил кўринишида бўлади. Отa-она томонидан эмоционал алоқа ота-она (родительской любви) мухаббати, яъни оналик мухаббати меҳри, оталик мухаббати кўринишида, бола томонидан эса аввал боғланиш кўринишида, сўнг ўғил ёки қиз (фарзандлик) мухаббати кўринишида намоён бўлади.

Ота-онанинг болага бўлган мухаббати ўзини тарихига эга. XVIII асрнинг “родительская любовь” алоҳида хислат сифатида кўрилмаган. Отa-она муносабатлари жамият томонидан ўрнатилган ижтимоий-маданий талаблар кўринишида бу тарбия, болани руҳий ва жисмоний соғломлиги, болани назорат қилиш ва жазолаш кўринишида намоён бўлган. Бунинг сабаби туғилиш ва болаларни ўлимининг юқори бўлмаганлигидадир.

Ўрта асрларда 5 ёшгача бўлган бола орасидаги ўлим 30%ни ташкил этган Европада болалар кўп бўлганлиги учун ота-оналар ҳар битта болага алоҳида меҳри бера олишмаган фақат XVIII асрдан бошлаб Европада оналик меҳри

мажбурий хислат деб тан олинган. Ота-онанинг болага бўлган эмоционал муносабати қуидаги вариантларга бўлинади: 1. Шартсиз эмоционал қабул қилиш-ҳеч нарсага қарамай фарзандни яхши кўриш; 2. Шартли эмоционал қабул қилиш- болани хулқ-атвори, ютуқларига қараб яхши кўриш; 3. Амбивалент эмоционал муносабат - болага нисбатан ижобий ва салбий муносабатларнинг қўшилиб кетгани. Масалан: муҳаббат ва нафрат; 4. Индифферент муносабат- бефарқлик, совуққонлик, масофа сақлаш, паст эмпатия; 5. Эмоционал инкор этиш. Оналик меҳри- бу табиатан берилган биологик инстинктдир. Лекин боладан воз кечиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Бундай аёлларни психологик хусусиятлари ўрганилганда бу ҳолатни юзага келишига аёлнинг эмоционал ҳолатини кризиси, эҳтиёжини бузилиши, ижтимоий ҳолатлар сабаб бўлади. Болани қабул қилиш ёки инкор этиш шахс типининг турларига боғлиқ.

Рус олимлари М. Родионова, Ф.Е. Василюклар шахс типларини 4га ажратишган: 1. инфантиль 2. реалистик 3. қадриятли 4. ижодий инфантиль тип личности выступает фактором риска отказа матери о ребёнка, отказ носить импульсивный характер и представляет собой действие защитного типа. Бу типдаги аёллар болага нисбатан кескин қарши қарайди, яъни, “менинг баҳтслизлигим сабабчиси - бола” деб қабул қиласди. Агарда болани қабул қиласидиган бўлса ҳам, унда у “болани- танамнинг бир қисми”- деган мунсабатда бўлади. Бунақа онани анамнези сўралса, у ёшлигига она томонидан инкорлик ва она меҳрини кўрмаганлиги келиб чиқади. Бундай аёллар ҳомиладорлик пайтини аҳамиятсизлик билан ўтказади, “нима бўлса бўлар” дегандек. Туғищдан аввал ёки туққандан сўнг онсонгина рад этади, бунда уна ҳеч қандай кечинмалар, виждон азоби кузатилмайди. Реалистик тип-болани рад этиш- мақсадга қаратилган ҳодиса бўлади. Бу типдаги аёллар ҳаммасини маъқул ва қарши томонларини ўлчаб кўради. Бунда у ўзини манфаатини биринчи ўринга қўяди. Болага асбобга қарагандай муносабатда бўлади: керак бўлса қолдиради, файдаси бўлмаса инкор этади. Масалан, бола уй-жой масаласи бўйича фойда берса, улар виждон азобисиз туғруқхонага қайтиб келиб болани қайтариб оладилар. Бу типдаги аёлларни психологик хусусиятлари: уларда табиий оналикка бўлган эҳтиёж паст даражада ва одатда эмпатия ҳам паст даражада бўлади. Апамнезида- ўзи вояга етган оиласига нисбатан совуққон, босик. Болани ҳеч қандай эмоционал кечинмасиз осон рад этади. Қадриятли тип-оналик қиммати жуда юқори, улар учун ижтимоий ҳолати, маблағи катта аҳамиятга эга, шунинг учун бу томони тўғри келмаса конфликтли кечинмаларга олиб келади. Бу ҳолат ҳомиладор даврида ва бола дунёга келгандан сўнг ҳам давом этади. Оқибатда онада айбдорлик ҳисси, хавотирлик пайдо бўлади, бу эса ўзини ҳимоя қилиш учун болага нисбатан бўлган муносабати яхши бўлмайди. Уларда доимий

мотивлар кураши, қарор қабул қилиш қийин бўлади. Ижодий тип- бу типдаги аёлларда болани инкор этиш даражаси жудаям паст, агар ижтимоий аҳволи оғир бўлганда ҳам. Уларда табиий оналиқ инстинкти кучли, болага меҳри кучли. Э.Фромм концепцияси бўйича оналиқ ва оталик муҳаббати бир-биридан фарқли; юзага келиши, қўриниши ва болани ривожланишида фарқли таъсири бўлади. Оналиқ меҳри- табиатан шартсиз бўлади, болани ютуқларига боғлиқ эмас, кўзлари кўр, ва одалатли бўлмайди. Оталик меҳри эса-шартли, талабчан қўринишида бўлади, отасини муҳаббатини бола эришиш керак. Ота ижтимоий контроль вазифасини бжаради: болани текшириш, интизом талаб қилиш, ўзини қонун-қоидаларига бўйсндириш. Тадқиқот шуни кўрсатганки ўсмирлар ота томонидан олидагина жазони тўғри қабул қиласилар; онани жазосини эса – рад этиш, яхши кўрмаслик, адоват (враждебность) деб қабул қиласади. Тарбия жараёнида ота ва онанинг ота-оналиқ хулқ- автори модели болани жинсига қараб ўзгаради, бу эса болани жинсий мослигини шаклланишида муҳим шарт ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Karimova V. Mehr va muruvvat oiladan boshlanadi. – T.: Yangi asr avlodi, 2004. – 28 b.
2. A.R.Abdullayeva //THE SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL INFLUENCE OF THE FAMILY ON THE FORMATION OF A HEALTHY LIFESTYLE// International Journal of Education, Social Science & Humanities. FARS Publishers. Volume-11. Issue3. 2023. 670-674 pages.
3. A.R.Abdullayeva //PSYCHOLOGICAL FACTORS OF FORMING A HEALTHY LIFESTYLE IN THE FAMILY// ResearchJet Journal of Analysis and Inventions. Volume 4, Issue 3. March, 2023. 43-50 pages.
4. Абдулаева Арофат Рустамовна //ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО И МУНИЦИПАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ// Uzbek Scholar Journal. Volume-06, July, 2022. 26-29 pages.
5. А.Р.Абдулаева, М.Р.Абдукаримова //ОИЛАДА АЖРИМЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА НИКОХ МОТИВЛВРИНИНГ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ// O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI. 14-SON. 20.12.2022. 1132-1138 betlar.
6. Рустамовна А.А., //ФАКТОРЫ С. П. ВЛИЯЮЩИЕ НА СЕМЕЙНОЕ ОКРУЖЕНИЕ В ПАТРИОТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ БУДУЩИХ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ// Зона конференций. 2022. 43-45 стр.
7. Rustamovna, A. A. //BO'LAJAK HARBIY KADRLARINI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHDA OILAVIY MUHIT TA'SIRINI IJTIMOIY-

PSIXOLOGIK OMILLARI// JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS.
Volume-7 | Issue-2| 2022. 35-43 pages.

8. А.Абдуллаева, Н.Тошболтаева //ОИЛА ВА НИКОҲ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР// INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION International scientific-online conference. 23 rd January, 2023. – Canada, Ottawa. 136-140 pages.
9. Рустамовна А.А. //СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА СЕМЕЙНОЕ ОКРУЖЕНИЕ В ПАТРИОТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ БУДУЩИХ ВОЕННОСЛУЖАЩИХ// Зона конференции. 2022.
10. Abdullaeva Arofat Rustamovna //SOCIO-PSYCHOLOGICAL FACTORS INFLUENCING THE FAMILY ENVIRONMENT IN THE PATRIOTIC UPBRINGING OF FUTURE MILITARY PERSONNEL// International Conference on Studies in Humanity, Education and Sciences Helsinki, Finland. January 10th 2022. 43-45 pages.
11. А.Абдуллаева, Н.Тошболтаева //ОИЛА ВА НИКОҲ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР// INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION. [Vol. 2 No. 13, 2023](#). 129-133. pages.